

Аллоҳим, унга раҳмат қил

09:05 / 29.03.2018 3082

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Кишининг жамоат билан ўқиган намози уйида ва бозорида ўқиган намозидан йигирма беш баробар афзалдир. Агар ўша киши чиройли таҳорат қилиб, фақат намоз ўқишни ният этиб сўнгра масжидга чиқса, унинг даражаси баланд қилиниб, хатолари ўчирилади. Киши модомики, намозхонасида таҳоратини синдирмасдан ўтирар экан, фаришталар унинг ҳаққига: «Аллоҳим, мағфират эт, Аллоҳим, унга раҳмат қил», деб дуода бўлишади. Сизлар (масжидга кириб), уни кутганингиздан бери, намозда турган ҳисобланасизлар», деб айтдилар.

Муттафақун алайҳ. Бу Бухорийнинг ривоятлари.